

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 141 (9.333) 1999 йил 3 декабрь, жума Сотувда эркин нархда

ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Аввал хабар қилингандек, Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Фидкорлар Миллий демократик партиясида Исло Каримов ва Ўзбекистон Халқ Демократик партиясида Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган эдилар.

1 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н. Комилов Исло Каримов ва Абдулҳафиз Жалоловга Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганлик гувоҳномасини топширди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

2 декабрь куни Нукус шаҳрида Ўзбекистон Фидкорлар Миллий демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзоди кўрсатилган Исло Каримовнинг қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашуви Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси Абдикерим Мамбетқаримов очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шoirи Иброҳим Юсупов сўз олиб, сайловчиларни президентликка номзод Исло Каримовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

У президентликка номзоднинг мамлакат раҳбари сифатидаги серқирра фаолиятига, юрт озодлиги ва ободлиги йўлида амалга ошираётган кенг кўламли ишлари, Ўзбекистондаги миллатлар ва эзлатлар тотувлиги, тинчлик ва барқарорлик, халқ турмуш даражасини кўтариш, давлатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлидаги улкан хизматлари алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод Исло Каримов сайловчилар олдида сермазмун нутқ сўзлади. Исло Каримов мамлакатимизда демократик тамойиллар асосида ўтаётган сайловлар халқимизни пароканда ва бир-бирига қарши қилишга эмас, балки злу юрт манфаатлари йўлида янада жипслашишга хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, Исло Каримов Қорақалпоғистон Республикаси кўп миллатли Ўзбекистон оиласида ўзига хос алоҳида ўрин тутиши ва ўзига мос ривожланиш йўлидан бораётганлигини, Орол муаммоларини бартараф этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги равақли йўлида салмоқли ишлар қилганлигини айтиди, шу билан бирга Қорақалпоғистон иқтисодийотини янада юксалтириш, таълим тизимидаги ислохотлар изчиллигига эришиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида янги-янги ишчи ўринлари яратиш, ўрта ва кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш билан боғлиқ муҳим вазифаларни илгари сурди.

Сўзининг якунида Исло Каримов, жумладан шундай деди: «Шу азиз Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, шу буюк халқимизнинг келажаги, бахтсаодати йўлида сизлар билан биргаликда ҳамisha хизмат қилишга тайёрман».

Шундан кейин бирин-кетин сайловчилар сўз олишди. Кўнгирот туманидаги «Хоразм» овул фуқаролар йиғини оқсоқоли Халмурза Шаниязов, Амударё тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Хонимжон Ражапова, Тахтақўпир туманидаги «Тахтақўпир» ширкатлар уюшмаси раиси Абтайит Адиллов, Беруний тумани марказий шифохонаси жарроҳлик бўлими мудир Бозорбой Оразалиев, Нукус давлат педагогика институтини қорақалпоқ тили ва адабиёти факультетининг 1-курс талабаси Мийран Қайипназарова, Нукус шаҳридаги 37-лицейнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Людмила Трехина ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакат тинчлиги ва оқсоқолига, юрт озодлиги ва ободлигини, фарзандлар бахту саодатини, Ўзбекистоннинг буюк келажагини Исло Каримов сиймосида кўришларини, шунинг учун ҳам қорақалпоғистонлик сайловчилар яқдиллик ва ҳамжихатлик билан унга овоз беришларини изхор этишди.

Шу кун Исло Каримов Нукус шаҳар аҳолиси билан ҳам учрашиб, самимий суҳбатлашди. Б. УСМОНОВ, (ЎЗА).

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз иқтисодийотида киритилаётган сармоя ҳажми ошиб, чет эллик шериклар билан биргаликда барпо этилаётган кўшма корхоналар сонини кўпайтмоқда.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

етиштириш бўйича тўрттинчи ўзи экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради. Айни пайтда пахта хомашё-

жойда иш билан таъминлаш керак. Ўзбекистон Президентини Исло Каримов шу йил октябрь ойида Жанубий Корея-

Кўкчада ишга тушган иншоот лойиҳасининг умумий қиймати 114 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, бу

миллион Мехр ишлаб чиқариш ва экспортнинг 98 фоизи АҚШ, Канада, Европа давлатларига экспорт қилинади. Бу қарийб эллик миллион доллар даромад, деган гап. Яъни, корхонани барпо этишга сарфланган маблағ жуда қисқа вақт ичида қопланади.

Корхонанинг очилиш маросимида «Қабул текстайлз» бошқаруви раиси Чанг Хо Пак, Корея Республикаси Эксимбанки бошқаруви раиси Ман Ки Янг, ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги Факултетада ва Мухтор элчиси Че Ёнг Ха сўзга чиқиб, мазкур корхонанинг очилиши тўқимачилик соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг бошланиши эканини таъкидлади ва келгусида бундай иншоотларни янада кўпайтириш борасида муайян режалар мавжудлигидан мамнуният изхор этди.

Бундан ташқари, очилиш маросимидан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида, мамлакатимиз Президентини Исло Каримов «Қабул текстайлз» раҳбариятининг Ўзбекистонда амалга оширмақчи бўлган улкан мақсадларини кўллаб-қувватлаш учун ушбу компанияга қўшимча кулайликлар яратишини айтиди. Бинобарин, корейлик шериклар таъкидлашганидек, Кўкчадаги иншоот тўқимачилик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бошланиши. Демак, истикболда Ўзбекистон пахта хомашёси эмас, тайёр маҳсулот экспорт қилувчи давлатга айланishi учун пухта замин ҳозир.

(ЎЗА). СУРАТДА: қўшма корхонанинг очилиш маросимида лавҳа. Абдувоҳид Тўраев олган сурат.



нинг 25 фоизига ўзимизда қайта ишланади. Ваҳоланки, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатаптики, дейлик, хомашёдан бир сўм даромад олинса, тайёр маҳсулотда бу рақам 6—7 сўмгача етади. Бу пахтаи қайта ишлаш соҳасини ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо қилади.

Яна бир омил — аҳолининг бандлиги, деб таъкидлади Исло Каримов. Енгил саноат халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан фарқли ўлароқ, анча меҳнатталаб. Яъни, кўпроқ иш кучини талаб қилади. Ўзбекистон аҳолисининг яримидан зиёдроғи эса қишлоқ жойларда яшайди. Уларни шу ернинг ўзида ёки яқинроқ

га ташрифи чоғида «Қабул текстайлз» компанияси билан Ўзбекистон тўқимачилик саноатини ривожлантиришга қаратилган битим имзоланган эди. Бу ҳужжат «Қабул текстайлз»нинг Ўзбекистонга нақд бир миллион донга ип йиғирини дастгоҳи келтиришини кўзда тутди. Компания бошқаруви раиси Чанг Хо Пакин таъкидлашчи, бу лойиҳа беш йил давомида амалга оширилади. Ҳар йили ишлаб чиқариш қуввати Тошкентдаги корхонаники билан бир хил бўлган иккитадан фабрика қуриш режалаштирилмоқда. Бу корхоналарнинг ҳар бирида ўртача 2,5—3 минг одам ишлайди.

маблағнинг 30 фоизи «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси, 70 фоизи «Қабул текстайлз» компанияси томонидан қопланади. Корхона Жанубий Корея, Япония, Германия, Швейцария ва Бельгияда ишлаб чиқарилган замонавий техника билан жиҳозланган. Бундай техника Марказий Осиёдаги бирор давлатда йўқ эди. Бу ерда қарийб уч минг киши ишлайди. Чет эллик шериклар маҳаллий кадрларни шу ернинг ўзида ёки Жанубий Кореяда ўқитишни йўлга қўйган. Корхонада йилга 24,5 минг тонна қалава ип, эни халқаро андозаларга мос, яъни 1640 миллиметрни юқори сифатли газламадан эса 9

1999 Сайловлар олдида 2000 Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга 2 КҲН КОДОИ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиغا 37 КҲН КОДОИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ МУНОСИБ НОМЗОДИ

Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маросимлар ўйида ҳам президентлик сайловиغا бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унга шаҳримиздаги энг илгор маҳаллаларнинг оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашларининг раислари, фаоллар тақдиф этилди.

Анжумани очар экан «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Аъзамжон Гадоибоев республикамиз Президентини Исло Каримов бошчилигида истиқлолдан кейин мамлакатимизда рўй берган ижобий ўзгаришлар, кадрларимизнинг тикланаётгани, маҳаллаларимизнинг нуфузи тобора ошиб бораётгани хусусида тўхталиб, келажакка йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли давом этиши учун йиғилганларни бўлажак сайловларда Президентимиз номзоди учун овоз беришга даъват этди.

Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда шаҳар халқ таълими ходимларининг Президентликка номзодларни кўллаб-қувватлаш бўйича анжумани бўлиб ўтди.

Шунингдек, «Самарқанд дарвоза» маҳалласи фуқароси Абдухалилхожи Набиев, Сергели туманидаги «Иттифок» маҳалласи хотин-қизлар Кенгаши раиси Турсунноя Комилжоннова, «Исломобод» маҳалласи фаоли Абдулазиз Абдурауфов, Тошкент Давлат техника университети доценти Махпуза Қорахўжаева ва бошқалар Юртбошимизнинг ўтган даврдаги фаолиятларини таҳлил қилган ҳолда Президентимиз Исло Каримов номзодларини кўллаб-қувватлашларини билдиришди.

Анжуман сўнгида Тошкент шаҳар маҳаллалари оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашларининг раислари номидан барча сайловчиларга Президентимиз Исло Каримов номзодини кўллаб-қувватлаш тўғрисида Мурожаатнома қабул қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан ўқитувчилар Д. Ганиева, Ш. Содикова, М. Свердлов ва бошқалар 9 январь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига номзоди кўрсатилган, элим деб, юртим деб ёниб яшайтган Исло Каримов номзодини яқдиллик билан кўллаб-қувватлашди.

Ийгилиш сўнгида 324-мактаб ўқитувчиси Г. Раҳмонова Тошкент шаҳар таълим соҳаси ходимларининг барча пойтахтликларга, республикамиз сайловчиларига Мурожаатини ўқиб эшиттирди. (Ўз мухбиримиз)

МУҲТАРАМ САЙЛОВЧИ!

Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловиغا саноқди кунлар қолди. Сайлов бюллетенларини тўлдирish овоз беришдаги энг масъулиятли дамлар эканлигини унутманг.

Бюллетенларни тўғри тўлдирish йўли қандай? Сайлов участкасига келиб, сайлов бюллетенини олганингиздан кейин яширин овоз бериш кабинасига (хонасига) кириб, бюллетенларга тегишли белгилар қўйишингиз шарт. Шуни билиш жоизки, сайлов бюллетенига мазкур округдан овозга қўйилаётган барча депутатликка номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилиб, тузилган йили, партияга мансублиги, эгалаб турган лавозими (масъулотиинг тури) ва уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган органининг номи кўрсатилган бўлади.

Агар Сиз бюллетендаги барча фамилияларни ўқирсангиз, у ҳолда мазкур округ бўйича кўрсатилган депутатликка номзодларнинг ҳаммасига қарши овоз берган бўласиз.

Сайлов бюллетени ўзингиз қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўқирish йўли билан тўлдирилди. Қонуннинг ана шу талабидан келиб чиқиб, Сиз бюллетенда ўзингиз ёқлаб овоз бераётган битта номзоднинг фамилиясини қолдиришингиз лозим.

Агар Сиз бюллетенда иккита ёки ундан ортик номзоднинг фамилияси ўқирилмай қолдирилган бўлса, Сизнинг бюллетенингиз ҳақиқий эмас деб топилади, яъни овозларини санаб чиқish чоғида Сизнинг овозингиз ҳисобга олинмайди.

Шу нарсани ҳам ёдда тутиш жоизки, сайловчи томонидан бюллетенга қўшимча равишда ёзилган бошқа шахсларнинг фамилиялари ёки бошқа ҳар қандай ёзувларни участка сайлов комиссияси эътиборга олмайди.

Қонуннинг ана шу нормаларини билиш ва уларга оғишмай рияоз этиш ҳар бир сайловчига овоз бериш кунини ўзининг сайловга доир конституциявий ҳуқуқини тўла-тўқис амалга ошириш имконини беради.

ДАВР САДОСИ БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНИҲИ АХБОРОТЛАР МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАҲОНДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Исло Каримов ҳамда Абдулҳафиз Жалоловнинг ишончли вакиллари рўйхатга олинди. Мажлисида, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ваколати доирасига киривчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Кеча Бокуга Болгария президенти П. Стоянов ташриф буюрди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Мудофаа ва Халқ таълими вазирликлари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши, «Қамолот», «Нуроний» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази, Ватан ҳимоячилари кўнига бағишлаб ўтказилаётган оммавий ватанпарварлик ойлиги дастурини бажаришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Кеча Брюсселда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлар мудофаа вазирлари ўзларининг бу йилги сўнги йиғилишларини ўтказишди.

Тошкент — Кўкюн — Андикюн — Уш автомагистрали йўлининг Езёвон тумани марказидан ўтувчи қисмида «Узавтосаноатсервис»га қарашли янги мажмуа иш бошлади. Ушбу мажмуа бир вақтинч унда тўртта йўловчи автомашинага ёнили қўйиш, техник хизмати кўрсатиш ҳамда уларни ювиш имкониятига эга.

БМТ Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 220 миллион доллар йиғиш даъвати билан чиқди. Бу маблағлар оддий афғонларнинг аҳолини енгиллаштириши, шунингдек, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва афғон қочқинларининг хориждан қайтиб келишига сарфланади.

Тошкент — Кўкюн — Андикюн — Уш автомагистрали йўлининг Езёвон тумани марказидан ўтувчи қисмида «Узавтосаноатсервис»га қарашли янги мажмуа иш бошлади. Ушбу мажмуа бир вақтинч унда тўртта йўловчи автомашинага ёнили қўйиш, техник хизмати кўрсатиш ҳамда уларни ювиш имкониятига эга.

Американинг электротехника соҳасидаги гигантларидан бўлган Ай-би-эм корпорацияси ҳамда Япониянинг «Олимпус» компанияси Токиода ўзларининг янги компьютерининг тахриба нусхасини намойиш қилди.

Тошкент — Кўкюн — Андикюн — Уш автомагистрали йўлининг Езёвон тумани марказидан ўтувчи қисмида «Узавтосаноатсервис»га қарашли янги мажмуа иш бошлади. Ушбу мажмуа бир вақтинч унда тўртта йўловчи автомашинага ёнили қўйиш, техник хизмати кўрсатиш ҳамда уларни ювиш имкониятига эга.

Халқаро энергетика агентлиги 2000 йили дунёда нефть муммоси юз берса, захирадаги нефть ресурсларидан фойдаланиш режасини ишлаб чиқди. Бу ҳақда мазкур агентлигининг Лондондаги вакили хабар берди.

Тошкент — Кўкюн — Андикюн — Уш автомагистрали йўлининг Езёвон тумани марказидан ўтувчи қисмида «Узавтосаноатсервис»га қарашли янги мажмуа иш бошлади. Ушбу мажмуа бир вақтинч унда тўртта йўловчи автомашинага ёнили қўйиш, техник хизмати кўрсатиш ҳамда уларни ювиш имкониятига эга.

Латвия таълим ходимларининг ҳафталик иш ташлашида 53 минг киши қатнашди. Латвия тармок касаб а уошамасининг хабарига кўра, норозилик намойиш 2 декабрда давом этган.

Тошкент — Кўкюн — Андикюн — Уш автомагистрали йўлининг Езёвон тумани марказидан ўтувчи қисмида «Узавтосаноатсервис»га қарашли янги мажмуа иш бошлади. Ушбу мажмуа бир вақтинч унда тўртта йўловчи автомашинага ёнили қўйиш, техник хизмати кўрсатиш ҳамда уларни ювиш имкониятига эга.

Кеча Бангкогда Таиланд кирили туғилган қўни нишонлаш маросими бўлиб ўтди. Унда 70 дан ортик мамлакатдан келган 572 парашютчилар ўз чиқишлари билан тантанана янада файз киритдилар.

Тошкент — Кўкюн — Андикюн — Уш автомагистрали йўлининг Езёвон тумани марказидан ўтувчи қисмида «Узавтосаноатсервис»га қарашли янги мажмуа иш бошлади. Ушбу мажмуа бир вақтинч унда тўртта йўловчи автомашинага ёнили қўйиш, техник хизмати кўрсатиш ҳамда уларни ювиш имкониятига эга.

Ўтган ҳафта Хитойнинг «Да Шум» йўловчи кемаси халокатга учраган эди. Ҳозирга келиб аниқланишча халок бўлганларнинг сони 280 кишига етди. Кемада ҳамми 300 дан ортик йўловчи бўлган. Улардан бор йўри 36 нафарни қутқариб олинди. Ўйлаб қишлар бедарак йўқолган.

Тошкент — Кўкюн — Андикюн — Уш автомагистрали йўлининг Езёвон тумани марказидан ўтувчи қисмида «Узавтосаноатсервис»га қарашли янги мажмуа иш бошлади. Ушбу мажмуа бир вақтинч унда тўртта йўловчи автомашинага ёнили қўйиш, техник хизмати кўрсатиш ҳамда уларни ювиш имкониятига эга.

2000 йилда Австралининг Сидней шаҳрида бўладиган Олимпиада мусобақаларида ун минг нафар енгил атлетикачи ҳамда тўрт миллион спорт ишқибози қатнашиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг алоҳида хизмат кўрсатган ходимларини мукофотлаш тўғрисида

Эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва қуролланган жиноятчиларни қўлга олишда кўрсатган мардлиги ва жасорати ҳамда хизмат бурчиға садоқати учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Жасорат» медал билан

Василев Равиль Рашидович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг тарбия ва спорт бўйича бошлиғи (марҳум)

Воронов Владимир Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг катта йўриқчиси (марҳум)

Тўлаганов Раҳимжон Каримович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармасининг тезкор вакили (марҳум)

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 1999 йил 1 декабрь

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун

БАЙРАМОЛДИ МУШОИРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун байрами муносабати билан Тошкент шаҳар халқимизни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳар туманларида танқиди шоир ва ёзувчилар билан учрашулар ва мушоиралар ўтказмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги Алоқа коллежида, Миробод туманидаги 213-мактабда, Ҳамза ва Бектемир туман ҳокимликларида бўлиб ўтган бундай тадбирлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ушбу учрашуларда халқимизнинг сеvimли адаблари Иброҳим Раҳим, Муҳаммад Юсуф, Сафар Барноев, Турсунбой Адашбоев, Икром Отамурад ва бошқалар фаол қатнашмоқдалар.


(Ўз мухбиримиз)

БҮЮК КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

Индинга, 5 декабрь куни ҳаммамиз жиддий имтиҳондан ўтишимиз керак. Бинобарин биз, мустақил давлатнинг фуқаролари ўз мамлакатимизнинг келажак тақдирини белгилайдиган сайловларга нақадар қодир ва тайёр эканлигимизни намоён этмоғимиз лозим. Муқобиллик, кўппартиялилик асосидаги сайловлар кўп жиҳатдан бизлар учун янги ҳолдир. Ана шу боисдан бугун биз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига қўйилган айрим номзодлар тўғрисида-

ги, уларнинг сайловолди ҳаракат дастурлари, нуқтай-назарлари ҳақидаги материалларни яна бир бор сайловчилар ҳукмига ҳавола этмоқдамиз.

Бугунги кўш саҳифада эълон қилинаётган материаллар ҳоқимият вакиллик органлари, ЎзХДП, «Адолат», «Миллий тикланиш», «Ватан тараққиёти», Фидокорлар партияларининг Тошкент шаҳар Кенгашлари ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Марказининг Тошкент бўлими томонидан тақдим этилган.



5 декабрь — Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар куни

ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ

ШАРАФЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Вафо ЛАТИПОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати,
Юнусобод тумани ҳокимининг ўринбосари

— Юртимизда Кунун чиқарувчи ҳоқимият — Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар арафасида. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Бу сайловлар бизнинг мустақиллик даврида демократия ботида орттирган тажрибаларимизни, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик кириб бораётганини, аҳолимизнинг сиёсий савияси нечоғлик юксалганини бутун дунёга яна бир бор кўрсатадиган имконият ва синов бўлади».

Албатта юртимизда Мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг ҳуқуқий асоси бўлган - Ўзбекистон Конституцияси асосида ислоҳ қилинган сайлов тизими яратилди. Бу сайлов тизимига кўра, Кунун чиқарувчи Олий Мажлис ва табиийки, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашлари депутатларини сайлашнинг ҳуқуқий механизми ҳам яратилди. Маҳаллий ҳоқимият вакилларининг Олий мажлис депутатлигига сайланиши - бу ҳуқуқий механизмда ҳам салмоқли ўрин тутайди.

Бугунги кунда аҳолига энг яқин сиёсий куч, халқнинг турмуш тарзини аниқ билган, унинг оғирини енгил қилишда бевосита сая-ҳаракат қилаётган маҳаллий ҳоқимият вакилларининг кунун чиқарувчи ҳоқимият - Олий Мажлис депутатлигига сайловларда қатнашиши алоҳида муҳим аҳамиятга молик.

Биринчидан, маҳаллий ҳоқимият томонидан мамлакатимизнинг кунун чиқарувчи органи - Олий Мажлисга депутатликка номзодлар кўрсатилиши маҳаллий ҳоқимиятнинг ўз халқи орасидаги нуфузини белгилайди.

Иккинчидан, маҳаллий ҳоқимият вакилларичалик ҳеч қанча одамлар ҳаётининг, ташвишнинг ҳақиқий ҳолатини, кунунларимизнинг самарали бўлиши чораларини, кунунларни такомиллаштириш эҳтиёжларини билмайди, чунки улар қундалик иш фаолиятидаги тажрибалар асосида Олий мажлис фаолиятига қонунларни жорий этиш, амалга оширишда қийматли тақлиф ва мулоҳазалар кирита олади. Халқни қийнатган, маҳаллий ҳоқимият ҳал қила олмаган муаммоларни умумреспублика миқёсида кўтара олади ва уларни ҳал қилишда бевосита қатнашади.

Учинчидан, сайловчилар маҳаллий ҳоқимият вакилларини бевосита иш фаолияти, унинг иш натижалари орқали амалда биледи ва уларни ортиқча ташвиқот қилиш зарурати бўлмайди. Чунки Олий Мажлисга номзоди кўрсатилган маҳаллий ҳоқимият вакиллари ўз фаолияти давомида қилган бунёдкорлик, эзгу ишлари унинг салоҳияти, имкониятини яққол кўрсатиб туради ва сохта, қуруқ ваъдалардан унинг қилган ишлари аҳоли ишончи учун муҳим қафолат вазифини ўтайди.

Тўртинчидан, Олий Мажлис қабул қилаётган қонунлар, қарорлар, дастурларнинг моҳиятини аниқлаш учун ортиқча вақт сарфланмайди. Қонунлар, қарорлар, дастурларни амалда бажариш самардорлиги ошади. Чунки бу қонун, қарор ва дастурларни Олий Мажлисда қабул қилиш жараёнида маҳаллий ҳоқимият вакиллари бевосита қатнашган бўлади.

Бешинчидан, Ўзбекистонда ҳаракатда бўлган бешта партия кучига мувофиқ равишда мустақил кўрсатилган номзодлар билан биргаликда маҳаллий ҳоқимият вакилларида кўрсатилган номзодлар сиёсий курашда мувозанатни сақлашга хизмат қилади. Бу мувозанат Олий Мажлис фаолияти учун ҳам гоят зарурдир.

Олтинчидан, маҳаллий ҳоқимиятлар жойларда аҳолининг барча қатламлари манфаатларини бевосита ҳимоя

қила оладиган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга бевосита қафил бўладиган сиёсий куч сифатида демократия — халқ ҳоқимиятичилигининг зарур элементи ҳисобланади.

Энг муҳими, маҳаллий ҳоқимият вакилларидан сайланган депутатлар Олий Мажлисни партиялар кураши оқибатида бўлиниб кетишидан сақлайди. Мустақил номзодлардан сайланган депутатлар билан биргаликда партияси бўлган кўпчилик халқ оммасининг манфаатларини ҳимоя қилади ва сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлайди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бизда нуфузли халқаро ташкилотлар сайловларимизни кузатиб, унинг демократик талабларга тўла жавоб беришини эътироф этмоқдалар. Маҳаллий ҳоқимият вакилларининг ана шу эркин сайловларда қатнашуви умумэтироф этилган халқаро мезёрлар, илгор демократик давлатларнинг ижобий тажрибаси, муаммал тартиб ва талабларга мос келади.

Маҳаллий ҳоқимият кенгашлари томонидан кўрсатилган номзодларнинг аксарияти ҳоқимлар ва ҳоқимликлар худудидаги ташкилот, корхона, муассасалар раҳбарлари ва мутахассисларидир. Улар жойлардаги муаммолардан, халқнинг аҳолидан, ижобий тажрибалар натижаларидан, камчилик ва нуқсонларнинг сабабларидан бевосита хабардордирлар. Энг муҳими, улар туман, шаҳар, вилоят миқёсида ўзини кўрсата олган, ишлари билан одамларга танилган, энди Олий Мажлисга депутат бўлса, республика миқёсидаги давлат арбобларига айланishi мумкин бўлган, ҳоқимият органларининг машаққатли, масъулиятли ишларини чин дилдан ҳис қилган халқимиз фарзандларидир.

Модомики, юртимизда демократик-ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш, бу сайловларда маҳаллий ҳоқимият вакилларининг чинакам ўрнини кўрсата билиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Хозирги кунда бизнинг энг муҳим вазифамиз - қабул қилинган қонунларимизга, эътироф этилган талабларга, демократик андозаларга қатъий риоя қилган ҳолда маҳаллий ҳоқимият вакиллари билан Олий Мажлис - қонун чиқарувчи ҳоқимият таркибида ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлишини таъминлашдир. Бу борада демократия тамойиллари, тараққий топган давлатларнинг тажрибалари бизга ёрдам беради.

Яна бир бор шуни таъкидлашни истардимки, сайлов жараёнининг энг муҳим босқичларидан бири - Олий Мажлис депутатлигига номзодлар билан учрашувлар шуни кўрсатдики, ўз миллий қонунларини ва халқаро андозалар асосида ташкил қилинган сайловларнинг ҳаётидаги ўрни, аввало сайловчиларнинг ўтказилаётган сайловларга муносабатлари, сайловчиларимизнинг сиёсий савияси ва маданиятининг ошганлиги, уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини чуқур англаётгани Ўзбекистондаги сайловларнинг муҳим ютуғидир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий ҳоқимият органларига сайловларни ўтказишда илгари тўплаган ижобий тажрибаларга суяниш, илгор жаҳон тажрибаси ва демократия тамойиллари устуворлигига эришиш олдимизда турган гоят шарафли ва масъулиятли вазифадир.

«АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ЭЛ ОРАСИДА

• **Парида Абдухаировна Парманова, Собир Раҳимов тумани «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг бошлиғи.** Шу билан бир вақтда «Адолат» партияси Собир Раҳимов тумани кўмитасининг биринчи котиби. 26-Беруний сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.




— Собир Раҳимов туман «Маънавият ва маърифат» Кенгашини бошқарганлигим сабабли жуда кўп вақтим маҳаллаларда, мактаб ва олий ўқув юртларида ўтади. Кишилар билан қилган ҳар бир мулоқотим натижасида улар билан кўпроқ ишлаш кераклигини, уларда пайдо бўлган маънавий бўшлиқни тўлдириш лозим эканлигини англаб етдим. Худди ана шу ишларни амалга ошириш, халқимизни янада маънавиятли қилиш, маърифий онгини ўстириш, ёшларни юксак онгли ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялаш каби мақсадларни ўз олдимга қўйган ҳолда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига ўз номзодимни қўйишга қарор қилдим.

Албатта, депутатлик жуда масъулиятли бурч. Агарда номзодим ўтиб шаҳар Кенгаши депутатлигига сайлансам, биринчи гада Президентимиз айтганларидек, маънавият ва маърифат ишларини янада ривожлантиришга ҳаракат қилардим. Чунки маънавий қашшоқ бўлган инсон ҳеч қачон янги жамият қуролмайди ва халқ манфаатлари йўлида хизмат қилолмайди. Ёш авлодни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Уларни халқимиз қадриятларига, урф-одатларига ҳурмат билан қарайдиган комил инсонлар қилиб тарбиялаш учун маънавий-маърифий ишларни янада ривожлантириш лозим. Бу борада озод юртимизнинг бир фуқароси сифатида ўзимнинг бутун тажрибамни ишга солишга тайёрман.

Мен она шахрим — Тошкентни жуда севаман. У мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти бўлиши билан бирга маънавият ва маърифат ўчоғи ҳамдир. Тошкентдаги олий ўқув юртлари, кинотеатрлар, ажойиб хиёбонлар, кенг кўчалар бунинг ёрқин мисолидир. Биз маънавият ходимлари халқимизни маданият масканларига, кинотеатрларга кўпроқ жалб этишимиз, хиёбонларимизда янада гўзал халқ сайилларини ташкил этиб «Тошкент оқшомлари» деб номланган кечалар уюштиришимиз лозимдир.

МУНОСИБ ВА ҚАТЪИЯТЛИ

• **Нурмурод Шералиевич Рамазонов, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси таркибидagi давлат илмий-техник ахборот фонди катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди.** «Адолат» партияси Мирзо Улуғбек тумани кенгашининг иккинчи котиби. 50-Мирза Юсуф сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.



— Шуни айтиш керакки, ҳар бир фуқаро, у хоҳ Олий Мажлисга, хоҳ вилоят ёки шаҳар Кенгашига сайланишидан қатъи назар мақсади битта бўлиши керак, яъни авваламбор халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи энг муносиб ва қатъиятли кишилар қаторига кириши керак. Бу эса ўз навбатида юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимизнинг тинч ва фаровон яшашини энг яхши имкониятидир. Мени ҳам ана шундай хайрли мақсадлар номзодимни шаҳар Кенгашига қўйишга даъват этди.

Фан ва техника давлат қўмитасида ишлаб, шунга ишончим комил бўлдики, техника ва технологияларни ривожлантириш масалалари бугунги кунда жуда долзарбдир. Яъни олимларимиз томонидан яратилаётган янги-янги технологияларни жойларда жорий этиш ва уларнинг самарали ишланиши йўлга қўйиш мамлакатимизни тараққий этган давлатлар қаторига киритувчи омилдир. Зеро, ўзимизда хорижикидан қолишмайдиган янги технологиялар бор, фақат уларни тезроқ ҳаётга жорий этиш жоиз. Масалан, ўлкамизда ўсадиган қамиш ўсимлиги ДСП тахтасининг ўрнини бемалол босиши мумкин. Қамишга юқори босимда ишлов бериб, уни паркетга ўхшаш пишиқ-пухта қурилиш материалига айлантирувчи дастохлар ишлаб чиқилган. Бу ҳам арзонга тушади, ҳам юқори сифати билан ажралиб туради. Мен депутатликка сайлансам ана шундай технологияларнинг ҳаётга тезроқ жорий этилишига ҳаракат қилган бўлардим.

Мустақилликдан сўнг юртимизда, айниқса гўзал пойтахтимизда жуда катта ўзгариш ва ривожланишлар рўй берганига барчамиз гувоҳимиз. Албатта бундай ижобий ўзгаришларда депутатларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлган. Бу йилги сайловларда ҳам сиёсий партиялар ўртасидаги курашда энг сара депутатлар сайланиб, Тошкентимизнинг янада ривожланиши, гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшиши ишончим комил. Хозирда ёшларнинг илмий соҳаларга қизиқиши кўпроқ экани, давлат ҳам янги коллеж ва лицейлар очиб, шунга шариоит яратиб бераётгани сабабли келгусидаги асосий ривожланишлар фан ва техника соҳасида бўлади, деб ўйлайман.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ЎЙЛАБ

Латиф ФУЛОМОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби, 17-Дўмбродой сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига, 31-Машинасозлар сайлов округи бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод

— Бугун Олий Мажлисга ва маҳаллий ҳоқимият вакиллик органларига сайловлар арафасида, аввалги сайловлар билан таққослаганда, биз бутунлай бошқача манзарани кўряпмиз. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ЎзХДП дан ташқари яна тўртта партия фаолият кўрсатмоқда. Улар сайловчиларга мурожаат қилиб, айнан ўзларини мамлакат ва ҳар биримизнинг манфаатларимизни энг яхши ифодалашларига сайловчиларни ишонтиришга уринмоқдалар.

Бу ўринда нима дейиш мумкин? Ҳақиқий кўппартиялик ва фикрлар плорализми шароитида бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига ҳар бир янги сиёсий кучнинг пайдо бўлиши ҳоқимиятнинг ўзи мустақиллик йилларида мамлакатимизда кечаётган кенг демократик жараёнларнинг яққол тасдиғидир.

Ана шу йиллар мобайлида Ўзбекистон Халқ демократик партияси халқ билан биргаликда Ватанимизнинг иш ва ташвишлари билан яшади, мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларда, жамиятнинг демократлаштириш жараёнида ва чин маънодаги буюк давлатни бунёд этишда фаол қатнашмоқда.

Гапим исботсиз бўлмаслиги учун Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгашининг иқтисодий-иқтисодий ишларни жараёнда қилиш, кишиларни муносиб турмуш шароитларини таъминлашда жамиятимиз олдида турган муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокига бир неча мисол келтирмоқчиман. Биринчи ҳолда шуни таъкидламоқчиманки, бу ишларнинг ҳаммасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси бўлган Олий Мажлис ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари фаол ва бевосита иштирок этмоқдалар.

Бу, энг аввало, аҳолининг кам таъминланган қатламларини, яъни ёлғиз қарияларни, кўп болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга дахлдордир. Ушбу хайрли ишлар партиянинг барча туман кенгашлари ва кўпгина бошланғич партия ташкилотлари фаол қатнашмоқдалар, уларнинг айримлари меҳрибонлик уйлари ортида қолганлар ва бу уйлардаги болаларнинг ўқис қалбларига малҳам бўлиш учун ҳамма ишни қилмоқдалар.

Иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишда, янги ишчи ўринлари барпо этишда, тадбиркорликни ривожлантиришда ва халқ хунармандчилигини тиклашда иштирок қилаётган партиянинг туман кенгашлари «завод ва маҳалла» дастурини амалга оширишга фаол қўшилдилар, бизнинг депутатларимиз эса кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини яратишда бевосита иштирок қилмоқдалар. Бунда бизнинг депутатларимиз **солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан олинadиган солиқларни камайтириш тақлифи билан чиқмоқдалар.**

Мустақил Ўзбекистоннинг барча фуқаролари каби биз учун ҳам мамлакатимизни аҳоли ҳор бошига тўғри келадиган миллий даромад даражаси бўйича ва демократия даражаси бўйича ҳеч қандам кам бўлмаган юқори ривожланган давлатга айлантиришдан кўра муҳимроқ иш йўқ.

Бизнинг партиямиз халқни ёши, касби, миллати ва бошқа белгиларига қараб ажратмайди. Ўз сайловолди сиёсий платформасида аниқ-равшан айтилганидек, биз жамиятимиз барча аъзоларининг, мамлакатимиз барча фуқароларининг ягона халққа бирлашишини, она заминимизда ти-

нчлик, барқарорлик, фуқароларо ижтимоий муросани умумдавлат аҳамиятидаги иш деб ҳисоблаймиз.

Биз халқнинг ўтмиши, миллий анъаналари, тарихий ва маънавий қадриятларини сиёсий ақдудлар ва лаҳзалик манфаатлар йўлида ўзбошимчаларча талқин қилинишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон ХДП шовинизм ва миллатчиликни, диний ва мафкуравий экстремизмнинг барча шаклларини, халқаро терроризмни қоралайди ва тан олмайди.

Бизнинг партия ҳар қандай ижтимоий-сиёсий кучнинг ҳақиқат ва адолатта мутлақ даъвогарлигига, ўзаро иттилофга ва сиёсий қарашлардаги тафовутларни ҳал қилишнинг усули сифатида «Душман образини» яратишга қаршидир.

Биз жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонунчиликка сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, давлат ҳоқимияти ва барча даражадаги бошқарув органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш тарафдоридиримиз.

Иқтисодий соҳада биз иқтисодий-иқтисодий мафкуравий ақидаларга ва социал утопияларга бўйсиндиришдан озод қилиш, ишлаб чиқарувчи маъмурий таъзимдан халос этиш принципларини амалга ошириш, мулкчиликнинг барча шакллари, шахсий ташаббус, тадбиркорлик ва рақобат эркинлиги тарафдоримиз. Партиямиз социал сиёсатининг бош йўналиши инсон ва унинг оиласининг сийҳат-саломатлиги ва фаровонлигини таъминловчи турмуш даражасига бўлган ҳуқуқни амалда рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Маънавий янгилаш соҳасида партиямиз шарқ халқларининг кўп миллатлиги анъаналарини, эркинлик ва гуманизм каби умуминсоний қадриятларини ўзида уйғунлаштирувчи маънавий-ахлоқий қадриятларни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди дастурининг бош сиёсий йўналишлари ана шулардан иборат. Биз баландаровоз ваъдалар бермаймиз, мумкин бўлмаган ишларга қачирмаймиз. Биз шунга ишонамизки, бизнинг дастурий йўналишларимизни босқичма-босқич амалга ошириш жонажон мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, ҳар бир инсон, ҳар бир оила фаровонлигини таъминлашнинг ҳақиқий йўлидир.

Хулоса қилиб яна бир марта таъкидламоқчиман, бу ЎзХДП сайловолди сиёсий платформасида эълон қилинган шунчаки устуворликлар эмас, балки булар партия барча бўғинлари, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан давлат ҳокимликларининг вакиллик органларига сайланган барча депутатларнинг кўп йиллар давомидаги амалий фаолиятининг бош йўналишларидир.

Мен, ўз сайловчиларимизга мурожаат қилиб, яна бир бор айтмоқчиман: қадрли тошкентликлар, хурматли оқсоқоллар ва ёшлар, оталаримиз ва оналаримиз, ака-укалар, опа-сингиллар!

СИЗНИНГ ЮМУШЛАРИНГИЗ, ҚУВОНЧУ ТАШВИШЛАРИНГИЗ — БУ БИЗНИНГ ҲАМ ЮМУШЛАРИМИЗ, ҚУВОНЧУ ТАШВИШЛАРИМИЗДИР.

Биз учун мамлакатимизнинг озодлиги, гуллаб-яшнаши, ҳар бир инсон ва ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлашдан кўра олий мақсад йўқ.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ — СИЗНИНГ ПАРТИЯГИЗ!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

МАЪНАВИЯТИМИЗ ЖОНКУЯРИ

● **Нозим Насибуллаевич Хабибуллаев, Темурийлар тарихи Давлат музейининг раҳбари, 21-Оқлон сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



Олий маълумотли, шарқшунос ихтисосига эга Нозим Хабибуллаев қаерда фаолият кўрсатмасин ўзининг тadbиркорлиги, меҳнатсеварлиги ва ташаббускорлиги билан меҳрибон раҳбар сифатида танилган. У ўз вазифини ва жамият олдидagi масъулиятини тўла ҳис қилган ҳолда иш олиб боради. Шу билан бирга ўз олдидagi барча юмушларни сидқидилдан бажариб, ҳар бир ҳодимдан ишга янги-ча ёндошувни талаб қилади.

Шуни айтиш керакки, Нозим Хабибуллаев нафақат ташкилотчи раҳбар, балки чуқур илмий соҳиб ҳамдир. У тарих фанлари номзоди, доцент. Н. Хабибуллаев ўзига алоқадор илмий рисоаларини топган бўлиб, Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиб ишда фаол қатнашиб келмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекмузей» жамғармасининг раиси сифатида ҳам маънавият ўчоқлари ҳисобланмиш мамлакатимиздаги барча музейларнинг моддий негизини ривожлантириш ва уларни замон талаблари даражасига кўтаришга ўз хиссасини қўшмоқда.

Номзоднинг сайловда дастури ҳам Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси дастурига мосланган бўлиб, ундан ўзбек халқининг бой тарихини, маънавий-маърифий, илмий, маданий меросини, миллий қадриятларини, халқ аъёнларини тиклаш масалалари ўрин олган.

Нозим Хабибуллаев шуни ҳам айтганки, «Ўзбекмузей» тизимидаги барча музейларни бозор иқтисодиёти йўлига ўтказиб, маънавий даромадлар ҳисобидан маҳаллалардаги ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири — бебаҳо, ноёб дурдоналаримиз бўлиши қадимги араб, форс тилларида ёзилган қўлёзмаларни ўқий оладиган, янги тарихимизни яратиб ҳисса қўша оладиган мутахассис кадрлар тайёрлашга ўз қўлини бериш ниятида. Унинг сайловда дастуридан ҳоризий мамлакатларда республикамиздаги етакчи музейларимизнинг қўча қўргазмаларини ташкил этиб, ундан келадиган даромадлар ҳисобидан илгари чет элларга олиб кетилган халқимиз мероси — ноҳир буюмлар, ноёб санъат асарларини Ватанимизга қайтариш масалалари ҳам ўрин олган.

Нозим Хабибуллаев «Шухрат» медали билан мукофотланган.

ЁШЛАРНИНГ КУНУНЧАК МУРАББИЙСИ

● **Абдугафур Раҳимович Расулов, Тошкент Давлат университетининг ўзбек филологияси факультети доценти, 38-Қозиробод сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



Абдугафур Расуловнинг қарийб 40 йиллик умри толиби илмларга адабиётшунослик фанидан дарс бериш билан ўтган. Ҳозирги кунда республикамизда мингдан ортиқ шогирдлари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётда фойдали меҳнат билан банд. У кишининг бевосита саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан «Истеъдод», «Олтин мерос» халқаро жамғармалари томонидан юзга яқин ёш ишқдорларга мадад кўрсатилган. А. Расулов республикадаги 38 та олим, ёзувчи, арбоблар ҳақидаги видеофильмлар муаллифи. Ҳўш, шундай «бой-бадавлат» инсонга депутатлик юки нима учун керак бўлди? Бу ҳақда филология фанлари номзоди, ТошДУ доценти А. Расулов шундай дейди:

— Ҳаётим давомида юзлаб шогирд тайёрладим. Беш нафар фарзандни элурт, Ватан хизматига камарбаста бўладиган инсонлар қилиб тарбияладим. Лекин кишининг ёши маълум бир нуктага етганида «Ҳаётимдан мамнунманми, яхшиликларим хатоларимдан кам эмасми», деб ўйлаб қоларкан. Ана шундай кезда кимгадир бир калом ширин сўз, беғариз ёрдам, ҳолис хизмат кўрсатгинг келаркан. Депутатлик юкин мен айнан шундай — ҳамшаҳарларимга савоб учун ҳолис хизмат қилиш бурчи сифатида қабул қилмоқчиман.

Абдугафур Расулов мустақил юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ватандошларимиз қаторига кирди. У киши айни вақтда «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг аъзоси ҳамдир. Мазкур партия унинг ташкилотчилик ва илм соҳасидаги юқори салоҳиятини эътиборга олган ҳолда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига номзод этиб кўрсатди. Номзоднинг сайловда дастурида бошланғич таълим тизимини юқори поғонага кўтариш, неки имтиёз ёки энгилликлар бўлса ёш Навоийга, Насриддиновларга, Бераунийларга камол топтириш масалаларига қаратиш, аҳолининг кам таъминланган табақаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

МУАЛЛИМ ВА ЖАМОАТЧИ

● **Махмуда Нуриддиновна Мурзаева, 2-Тошкент тиббиёт институтининг рус ва ўзбек тиллари кафедрасининг катта ўқитувчиси, 39-Қаторгол сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



Махмуда Мурзаева 9 йилдан буён 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтига катта ўқитувчи сифатида ёшларимиз онгига маънавий нуруларини сингдириш билан бир қаторда институтда ўзи яшаётган Дўмбробод маҳалласида, Собир Раҳимов тумани ҳокимлигида жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. У институт хотин-қизлар Кенгашининг аъзоси, Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги маънавий-маърифий ишлари бўлимининг жонқуяр аъзосидир. У шу йилнинг ўзига Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги маънавий-маърифий ишлар бўлими билан ҳамкорликда «ХИ» асар ва ўзбек аёли», «Ўзбекистонда жадишчилик ҳаракатининг фаол аъзолари», «Ёзувчи ва замон» мазмунларига адабий-мухажир тадбирларини ташкил этди. Ўзбекистон телевидениесининг «Матрифа» таҳририяти ходимлари билан ҳам муаллифида «Буним умр дейди», «Қамолот сари», «Ўстоз» руқндаги телеочеркларни яратди.

Унинг ҳаётдаги шiori — бизнинг мактабларимиз, таълим-тарбия ўчоқлари миллиятни халқ, халқни маърифатли жамият сари бошлаши, жамиятни эса буюк давлат қилиш зарур.

Номзоднинг сайловда дастури «Миллий тикланиш» демократик партияси голярига таянади. Асосий мақсади мактаб — мактабга тарбия жараёнларини такомиллаштириш, кибернетика-космос-электроника соҳаларининг миллий мактабчилигимиз асосларига уйғунлаштириш, жамиятимиз ёшларини ҳам жисмонан, ҳам руҳан камол топтириш, соф ўзбекча мухитни қарор топтириш. Унинг дастури бир неча қисмга бўлиниб, қисқача айтганда, таълим соҳасида — ўқитувчилар савиясини ошириш, дарсликларга янги замонавий тадқиқот, голя, янгиликларни мувофиқлаштириб киритиш, аёлларга кўмак борадида — аёллар иш соаларини қайта қўриб чиқиш, ёш болалар аёллар ҳамда уй бекалари учун уй меҳнати шaroитини шакллантириш, экология соҳасида шаҳар ва шаҳар атрофида қўқалдорлаштириш ишларини муваффақиятли амалга ошириш, кўп қаватли уйлар ертўраларини тоза сақлашга қаратилган чора-тадбир, қонунлар ишлаб чиқишда иштирок этиш, ижтимоий соҳада эса — шаҳар ички автобуслари ҳаракатида катъий интизом ўрнатиб каби муҳим масалалар ўрин олган.

ЎЗБЕКИСТОН «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯСИ

ҚОНУНЛАР АСОСИДА ЯШАЙЛИК

● **Асфандияр Баходирович Аловиддинов, Олий ўқув юртлири муаммолари институтининг бўлим мудирини, 23-Астрообод сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

Кимё фанлари доктори, профессор Асфандияр Аловиддинов илмий соҳаси юқори молекулали бирикмалар кимёси бўлиб, 250 дан ортиқ илмий асарлар, дарсликлар ва ихтиролар муаллифи. Унинг сайловдаги шiori шундай:

— иш жойлари яратувчи тadbиркорликка имтиёзлар яратиш, улар учун маъмурий чеклашларни кескин қайтариш;

— тadbиркорликка руҳсат бериш ўрнига рўйхатга олиш тартибин жорий этиш;

— оилавий тadbиркорликка, айниқса уй бекалари учун ўйлаш имконини яратиш;

— коммунал, транспорт ва болалар богчалари хизматлари нархларини назорат этиш ва уларнинг аҳоли реал даромадида мутаносиблигини таъминлаш;

— тўй-маърака маросимларини мезёрлаш (доимий қонун билан);

— тўлов контрактлар орқали ўқитилганлар учун таълимни кредитлаш ҳақида қонун қабул қилиш;

— танлаб ўқиш, тақрорланишларни қисқартириш ва ихчамлаштириш эвазига таълим муассасаларида ўқитилаётган фанларнинг сонини қайтариш;

— йиллар давомида тўпланган рус тилидаги илмий техник, бадиий адабиётлардан баҳраманд бўлиши хоҳловчилар учун рус тилини ўрганишга кенг имкон яратиш;

— солиқ тизимини ислохот қилиш натижаида солиқ ҳажмининг эмас, балки солиқ тўловчиларининг сонини кескин кўпайтиришга эришиш;

— банк ва кредит тизимининг ислохоти, аҳолининг жамғарма банкига бўлган ишончини тиклаш;

— хусусий мулк даҳлсизлиги, ундан фойдаланиш эркинлиги, шу жумладан тadbиркорлик мақсадида;

— жаҳолат, зўравонлик, жангарилик ва беҳаёликни тарғиб этувчи асарларга йўл қўймаслик;

— диннинг зўравонлар томонидан никоҳ сифатида фойдаланишига йўл қўймаслик, аҳолининг диний маданият ва адабиётларга бўлган эҳтиёжларини қондириш.

ҚЎЛ ҚОВУШТИРИБ ТУРИШГА КЎНИКМАГАН

● **Қодиржон Исмоилович Рўзиев, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мувофиқлаштирувчи маркази директори, 25-Яккасарой сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

Техника фанлари доктори, профессор Қодиржон Рўзиевнинг илмий соҳаси бино ва иншоотларнинг зилзилабардорлигини аниқлаш бўлиб, у юздан ортиқ илмий асарлар, дарсликлар ва ихтиролар муаллифи. Унинг сайловдаги шiori шундай:

— Демократик, адолат ва эркинлик таомийллари асосида қонун ишлаб чиқиш жараёнини **такомиллаштириш**;

— фуқароларнинг ҳаёти давомида узлуксиз касбий билим олишини таъминлаш, таълим ихтилати шакллари ривожлантириш учун қонуний асосларни **такомиллаштириш**;

— кредитлаш тизимини, айниқса тadbиркорлик, ёшларнинг касбий таълим олиши, уй-жой сотиб олиш ёки қуришга қаратилган кредитларни ривожлантириш ва кенг қўллаш;

— умуминсоний қадриятлар, маданият, фан ва техника ютуқларидан эркин баҳраманд бўлишнинг воситаси бўлган рус ва бошқа хорижий тилларни кенг ўрганишга шaroитлар **яратиш**;

— иш жойларини кўпайтириш мақсадида тadbиркорликни, айниқса оилавий ва уй тadbиркорлигини ривожлантиришга қаратилган қонунлар асосини **яратиш**;

— аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида кундалик эҳтиёж моллари, коммунал, транспорт, болалар богчалари хизмат **нархларининг** давлат томонидан назоратини такомиллаштириш ва аҳолининг реал даромадида **мослаштириш**;

— шахсий мулкнинг даҳлсизлигини қонун йўли билан **кафолатлаш**;

— солиқларнинг фоиз ставкаларини қайтариш йўли билан солиқ тўловларини **кўпайтириш**;

— банк ва кредит тизимининг **ислохоти**, аҳолининг жамғарма банкига бўлган ишончини **тиклаш**;

— Ўзбекистон халқларининг маънавий бойлиқларидан келиб чиққан кўп арслик миллий маросим ва анъаналарини **такомиллаштиришга** ҳар томонлама кўмаклашиш;

— жаҳолат, зўравонлик, жангарилик ва беҳаёликни тарғиб этувчи барча кўринишдаги ташвиқотларга **йўл қўймаслик**;

— аҳолининг диний маданият ва адабиётларга бўлган эҳтиёжларини **қондириш**;

— динларнинг зўравонлар томонидан никоҳ сифатида фойдаланишига **йўл қўймаслик**.

ФУҚАРОЛАР ТАШАБУСКОР ГУРУХЛАРИ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Аъзамжон ГАДОЙБОВ, Мустақил номзодларни кўллаб-қувватлаш республика Маркази Тошкент шаҳар бўлимининг раиси

— Бу гагги сайловлар ҳам, унга тайёргарлик ҳам биз шўролар даврида ўрганиб қолган сайловлардан тубдан фарқ қилади.

Гап шундаки, бу йилги сайловлар, энг аввало, ўзининг демократик руҳи билан, умум-халқ сиёсий онги ҳар қачонгидан ўстанилиги, сайловчилар фаолиги ҳар қадамда намойён бўлаётгани билан ажралиб турибди. Бунинг бош сабаби Олий Мажлис депутатлигига ҳам, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига ҳам ҳар бир ўринга 4-5, ҳатто 6-7 номзод рўйхатга олинган бўлса, иккинчидан, сайловларга тайёргарликнинг тўлалигига Марказий сайлов комиссияси томонидан мустақил ва ошқора олиб борилаётганидир. Шундан келиб чиққан ҳолда сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўртасида депутатлик мандати учун курашнинг чинакамига тенг шaroитларда, демократик асосларда авж олиб кетганили ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Мазкур сайловларга тайёргарликнинг муҳим жиҳати жаҳон ҳамжамияти ўртак олса арзийдиган томони яна шундаки, бу гагги сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари билан бир қаторда фуқаролар ташаббускор гуруҳлари ҳам — яъни бевосита аҳолининг ўзи ҳам ўз номзодларини кўрсатиш имкониятига эга бўлиди. Ҳа партия ҳамда ҳокимият вакиллик органлари номзодларига муқобил номзодлар бўлиши халқ вакиллари уларга нисбатан мустақил иш олиб борадилар ҳамда янги шаклланган Олий Мажлисда алоҳида фракцияни ташкил этишлари керак.

Халқаро сайлов ҳуқуқи андозалари ва умуминсоний демократик қадриятларга тўла мос келувчи бундай янгилик Шарқона демократиянинг миллий институти бўлган маҳаллалар ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш аъёнлари билан уйғунлашиб кетиши билан ҳам катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз Президентининг жамоа бўлиб яшашининг жаҳонда ягона намунаси бўлиши маҳаллага катта эътибор бериб келётгани, давлат органлари вазифарларини жамоат ташкилотларига бошқариш-бошқариш ўлкасида алоҳида фракцияни ташкил этишлари керак.

Республикамизда юзлаб мустақил номзодлар кўрсатилган бўлса, пойтахтимизда ҳам Олий Мажлис ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ўнлаб номзодлар кўрсатилди. Бу соҳада таҳрибасизлик, ҳужжатларини расмийлаштиришдаги камчилик-нуқсонларга қарамай, Олий Мажлис депутатлигига 10 номзод ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига 9 номзод рўйхатга олинди. Дастлабки синов сифатида бу унчаллик ёмон кўрсаткич эмас. Кейинги сайловларда ҳар бир депутатлик ўрнига ҳамма 2-3, ҳатто ундан кўпроқ мустақил номзодлар кўрсатилиши, улар сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари номзодларига муносиб рақобатчилар бўлишига шубҳа йўқ.

Мустақил номзодларни сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари номзодларига муқобил номзодлар дедик. Ҳақиқатан ҳам улар бевосита фуқаролар томонидан кўрсатилганлиги, кенг жамоатчиликка яқин таъинлиги, халқ ичиндан чиққанлиги билан ва энг муҳими — бирон ижти-

моий катламнинг эмас, балки кенг меҳнатқашлар оммаси манфаатларини ҳимоя қилишга даъват этилганлиги билан ҳам юқоридагиларга нисбатан муқобиллик мақомига эгадирлар. Депутатликка номзодлар ҳақида маълумот билан танишар эканмиз, фуқаролар ўз маҳаллалари, мавзе ва даҳалларида ёнма-ён яшаб келаятган таниқли, катта обрў-этиборли ҳамда ўзлари ишонган кишиларни кўрсатганликларига гувоҳ бўламиз.

Масалан, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар рўйхатига назар ташлайлик. Улар орасида ишлаб чиқаришни ташкил этишда ҳамда сиёсат майдонида катта ҳаётий тажрибага эга бўлган «Қизил тонг» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Х. Акбаров, тиббиёт ҳаширларни тайёрлашни жаҳон андозалари асосида ислохот қилиш ташкилотларидан бири, Охунбобоев номи тиббиёт бўлими юрти директори Т. Умарова, Тошкентнинг машҳур Исломобод маҳалласи оқсоқоли, олим, жамоат арбоби Эркин Қосимов ва бошқаларни кўраемиз. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари, зиммаларига юқулган мажбуриятларни сидқидилдан бажариб келишлари, халқнинг қувонч ташвишларига ҳолисона шерик бўлиб, уларга ёрдамга доимо тайёрликлари билан аллақачон одамлар юрагининг тўридан жой олишган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлари кўрсатилган маҳаллий ҳоким аҳамиятга эришган унумли фойдаланиш устидаги катта аҳамиятга молик илмий излануларини Шайхонтоҳур маҳалла оқсоқоли бўлишдек масъуляти жамоат иши билан мухироана уйғунлаштириб олиб бораётган Пулат Арифов, ён-атрофдаги маҳаллалар, ташкилот ва муассасаларга, Меҳрибонлик уйлари, ногиронлар уюшмаларига қиндан катта ёрдам бериб келаятган «Автомоторс» хиссасдорлик жамияти бошқаруви раиси Рустам Ҳожиёв, «Ўзавтотеххизмат» АЖ раҳбари Юсулжон Асилон ва бошқалар ҳам, ҳеч шубҳасиз, кўпчилик меҳрини, ишончини қозонган кишилардир.

Уларга овоз бериш билан халқимиз республика парламентида ҳамда Тошкент шаҳар кенгашида ўз манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилувчи ваколатли вакилларга эга бўладилар. Бизнинг номзодларимизнинг бошқалардан фарқи — улар сиёсий партияларнинг аъзолари бўлиш-булмалигидан катъий назар тadbиркорлик, маънавият, маърифат, илм, яратувчилик билан банд кишилар, фарзанд тарбияси билан шуғулланувчи уй бекалари, ишловчи аёллар, болалар манфаатларини ҳимоя қилади. Улар эса аҳолининг мулқат кўпчилигини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, бизнинг номзодларимиз халқ номзодлари бўлиб, халқнинг ўзига таянадилар.

Шундай қилиб, индинга — 5 декабр кун фуқароларимиз, шу жумладан, пойтахт аҳли сайлов қутилари ёнига келар эканлар, мамлакат тақдирини, ўз келажакларини кимнинг қўлига топшираётганлари ҳақида чуқур ўйлаб, мулоҳаза қилиб, бир қарорга келганда кейингина овоз берадилар деб ўйлаймиз. Азиз ҳамшаҳарларимизни ўзлари танлаган, яхши биладиган ҳамда эл хурматини қозонган Ватан, халқ фидойилари — мустақил номзодларга овоз беришга чакираемиз.

Яна бир бу шуни эслатиб ўтамизки, мустақил номзодларга овоз бериш билан биз ҳам парламентда, ҳам Тошкент шаҳар Кенгашида ўз манфаатларини каттиқ туриб ҳимоя этилишининг ишончли қафолатини қўлга киритасиз!

ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

МАҲАЛЛА ТАШВИШИДА

● **Максуд Рихсиев, Акмал Иқромов тумани, «Оқтепа» маҳалла фуқаролари йиғини раиси, 4-3иё Саид сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



Юртимизда мустақиллик шабадалари эса бошлагандан кейин халқимиз азалдан аҳил бўлиб яшаб келган улўғ масқан маҳаллаларга эътибор айниқса кунайди. Бинобарин, маҳаллаларга бош-қошиқ қиладиган, эл ташвишида елиб-югурадиган кишилар бўлиши маҳалла оқсоқоллари зиммасига ҳам катта масъуляти юқланди.

Акмал Иқромов туманидаги «Оқтепа» маҳалласи ҳақида, унинг оқсоқоли бўлмиш Максуд ака Рихсиев тўғрисида гап кетганда кўпчилик оғзидан бол томиб гапиради, бу ерда олиб борилаётган ишлар тўғрисида тўлиб-тошиб сўзлайди.

Шуни айтиш керакки, Максуд ака Рихсиев 1976-1984 йиллар давомида ушбу маҳаллага бош бўлган эди. Кейин, 1998 йилгача Тошкент Давлат аграр университетида фаолият кўрсатди. Жорий йилдан бошлаб эса маҳалла аҳлининг истагига кўра яна маҳалла оқсоқолигига сайланди.

Гарчи бу лавозимда Максуд ака Рихсиевнинг ишлайётганига эндигина 10 ой ўтган бўлса-да, шунга қарамай бу ерда кенг қўламадги ишлар амалга оширилади. Маълумки, бугунги кунда бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли сонини 11 минг кишини ташкил этади. Иккита тўрт қаватли турар жой биноси ва шу йили қуриб фойдаланишга топширилган Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи, иккита мактаб, иккита болалар оромгоҳи, битта болалар шифохонаси маҳалла худудидида жойлашган. Демак, маҳалла оқсоқолининг бажарадиган юмушлари етарли. Шу боисдан ҳам Максуд ака Рихсиев ўз атрофига гайратли ва ишчан маҳаллаларини йиғиб, бу масқаннинг янада обод ва кўркам бўлишига бош-қош бўлиб келмоқда.

Маҳалла оқсоқолининг бажарадиган юмушлари кўп. Маҳалла худудидида кўчаларни таъмирлаш, ёшлар учун шахмат-шашка масқанини бунёд этиш ва қатор юмушлар шулар жумласидандир.

Маҳалла оқсоқолининг эл ташвишида қилаётган саъй-ҳаракатларидан хабар топан «Оқтепа», «Пахтакор», Абдулла Қодирий, Жўржоний, Фафур Гулом, Ҳамза, Собир Раҳимов, Ўткир, Богобод, Чўпонота, «Шарқ юлдўзи» маҳаллаларининг фуқаролари унинг номзодини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатдилар. Одамларнинг бундай хурмат ва ишончини қозонишдан ортиқ бахт борми, дунёда!

ТУБ ЎЗГАРИШЛАРДА ҚАТНАШИБ

● **Гулчехра Гозиевна Назарова, Тошкент Давлат иқтисодий университетининг проректори, 51-Уста Ширин сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



Иқтисод фанлари доктори, профессор Гулчехра Гозиевна Назарова Европа университетларининг иқтисод бўйича магистри дипломига, хорижий давлатларнинг 24 та диплом ва гувоҳномаларига эга. Меҳнат ва бандлик бўйича Халқаро академия академиги.

У Ўзбекистон Республикаси халқларининг тарихий аъёнлари ва миллий менталитетдан келиб чиқиб, жамиятда туб ўзгаришларни бошқича бошқича амалга оширишни зарур, деб ҳисоблайди.

Республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг етакчи омил эканлигини англаган ҳолда қуйидагиларни амалга оширишни зарур деб ҳисоблайди:

— Шаҳарнинг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш бўйича эксперт гуруҳини ташкил этиш ва Европа Иттифоқи фондаларни жалб қилган ҳолда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш;

— Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ишларини таҳлил этиш бўйича ишчи гуруҳини ташкил этиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш;

— маҳаллада бепул юридик маслаҳатхоналарни ташкил этиб, бу билан қонунларнинг ишларини ва аҳолининг ҳуқуқий

